



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Мургазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

Shoira Azimovna Musayeva, Dilduza Ixomovna Usmonova "Daka-Tex" MCHJ XKning faoliyatida marketingni boshqarishni takomillashtirish	153
Музаффар Шокиржонович Ахмедов Глобаллашув шароитида бошқарувнинг мотивацион назарияларининг персонал билан ишлашдаги аҳамияти	157
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Нуриддин Эламонович Эрназаров Акциз солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш	163
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мажит Жанызақович Бауетдинов Дебитор қарздорликни камайтириш корхоналарнинг ликвидлигини таъминлашнинг зарурий шarti сифатида	166
Тўлқин Исматулла ўғли Яҳёев Курилиш корхоналари молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш механизмлари.	172
Abdulaziz Abdullayevich Gulamov, Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva Vagon parkini aniqlashda omillar tahlilida ma'lumotlar taqsimotining bir xilligini tekshirish	176
Олим Мургазаев, Гайрат Аблакулович Ибрагимов Анализ агросервисных факторов, влияющих на прибыль при производстве основных сельскохозяйственных культур	180
Илҳом Сайиткулович Очилов Кластерлар фаолиятида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	185
Юсуф Ибрагимович Турдибеков Автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларининг харажат ёндашуви методикасини такомиллаштириш	191
Юлдуз Шарафиддиновна Рахмонова Инвестициявий кўчмас мулкни халқаро стандартлар асосида тан олиш масалалари	197
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Джахонгир Расулович Зайналов Инновацион ғоялар замирида турли соҳалар учун кадрлар тайёрлашни мақсад қилиб олган олий таълим	201
Хилола Фармоновна Очилова Отраслевая система подготовки кадров для индустрии туризма	206
Хилола Нематовна Очилова Олий таълим хизматларини ривожлантиришнинг ички имкониятлари таҳлили	209
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Сайдахроп Ғуломов, Мамаюнус Пардаев Кексалик – буюк неъмат, агар одам унинг қадрига етиб яшаса	215
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	

Хилола Нематовна Очилова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, “Менежмент” кафедраси ўқитувчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЧКИ ИМКОНИАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда таълим хизматларини ривожлантириш ҳамда сифатини ошириш учун таълим хизматларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги ва хизматлар соҳасидаги улуши таҳлил қилинган ҳамда олий таълим муассасаларининг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: таълим, хизматлар, таълим хизматлари, ялпи ички маҳсулот, таълим хизматларининг ривожланиши, таълим соҳасидаги хизматлар фаолияти, миқдор ва сифат.

Кириш. Жаҳонда ҳозирги даврда ҳар бир соҳада инновациянинг жуда тез ривожланиб бориши лозимлигини инобатга олиб иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт янги-янги мутахассисларни ва шунга мос кадрларни етказиб беришни тақозо қилмоқда. Олий таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш ўта зарур ҳисобланади ва бунинг натижасида аҳолининг яшаш даражаси, мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгаради. Иқтисодиёти энг ривожланган давлатлардан бири АҚШда 2022 йилда таълим хизматлари ҳажми 1,8 трлн. АҚШ долларни ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш даражаси 0,2 %ни ташкил қилган¹. Буюк Британия дунёдаги энг яхши таълим тизимига эга давлат сифатида биринчи ўринда туради. Иккинчи ўринда АҚШ бўлиб, уларнинг 70 фоизга яқини олий ўқув юртларига ўқишга киради. Учинчи ўринда Канада, кейин эса Германия ва Франция. Бундан ташқари Финляндия дунёдаги энг ривожланган таълимга эга давлат сифатида қайд этилган². Ривожланган давлатларнинг таълимга сарфланган харажатлар самарадорлиги мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига, унинг рақобатбардошлигининг ошиб боришига олиб келмоқда. Шунга кўра инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида таълим хизматларини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам Янги Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторига киритиш учун таълим тизимига жуда катта аҳамият берилмоқда. Шунингдек, юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган олий таълимга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясидаги 46-мақсадга кўра, олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш мақсади белгилаб қўйилган.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Бугунги кунда олий таълимда хизмат кўрсатиш турларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки таълим соҳасини такомиллаштиришда ҳамда самарадорликка эришишда кўрсатиладиган хизматлар алоҳида аҳамиятга эга. Шу туфайли таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш билан иқтисодчи олимларимиз ҳам шуғулланиб келмоқда. Булар жумласига С.С.Ғуломов, Р.Х.Аюпов, М.Э.Пўлатов, А.В.Вахабов, М.Х.Саидов, М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев, М.М.Мухаммедов, Б.И.Исроилов, А.О.Очилов, кабиларни¹ киритиш мумкин. Бирок, кўрсатиладиган таълим хизматларининг тадбиркорлик фаолияти олимларимиз томонидан етарли даражада тадқиқ қилинмаган ва мос равишда адабиётларда ҳам кам ёритилган.

¹ <https://www.ibisworld.com/industry-statistics/market-size/educational-services-united-states/>

² <https://www.abt.uz/ru/blog/rejting-obrazovaniya-po-stranam-2021>

¹ Ғуломов С.С. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.; Ғуломов С.С., Аюпов Р.Х. Рақамли иқтисодиёт ва электрон тижорат асослари. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2020, 510 бет.; Саидов М.Х. Узбекистан: инвестиция в человеческий капитал, партнёрства в сфере образования.-М.: Книжный дом газеты «Труд», 2006.-243 с.; Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж, Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув Қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. – 384 б.; Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2020. – 256 б.; М.М.Мухаммедов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.:«Фан ва технология» нашриёти 2018. Исроилов Б.И. Таълим тизимида инновацион корпоратив ҳамкорликни ривожлантиришда иқтисодий механизмлар ролини ошириш. ТМИ, ИАК, 2016 й., 26 март.; Очилов А.О. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Dsc) диссертацияси автореферати – Тошкент, ТДИУ, 2019. – 76-бет.

Тадқиқот методологияси. Таълим хизматларининг ҳозирги ҳолатини тадқиқ қилиш жараёнида миқдор ва сифат, индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил каби услублардан ва ёндошувлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳар қандай сифат кўрсаткичларининг замирида миқдор кўрсаткичларнинг кўпайиши асос бўлади. Чунки миқдор ва сифат ўзаро диалектик боғлиқликда. Шундай экан, мамлакатимизда таълим хизматларини ривожлантириш ҳамда сифатини ошириш учун олий таълим хизматларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги ва хизматлар соҳасидаги улушини таҳлил қилишни тақозо қилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида олий таълим хизматларининг мамлакат ЯИМда ва хизматлар соҳасидаги ўрни

Йил-лар	Мамлакат ЯИМ		Жами хизматлар		Хизматларнинг ЯИМдаги улуши, %	Таълим соҳасидаги хизматлари		ЯИМдаги улуши, %	Хизматлар соҳасидаги улуши, %
	суммаси, млрд. сўм*	ўсиш суръати, %*	суммаси, млрд. сўм*	ўсиш суръати, %*		сумма си, млрд. сўм**	ўсиш суръати, %**		
2010	78 936,6	7,1	31 463,8	9,6	39,8	763,1	-9,9	1,0	2,4
2011	103232,6	7,5	40 529,1	10,0	39,3	1027,4	5,0	1,0	2,5
2012	127590,2	7,1	50 254,7	7,8	39,4	1385,3	5,2	1,1	2,8
2013	153 311,3	7,3	62 099,2	6,8	40,5	1793,0	5,2	1,2	2,9
2014	186829,5	6,9	73 600,9	7,4	39,4	2154,4	9,1	1,2	2,9
2015	221350,9	7,2	86 674,5	7,6	39,1	2681,4	11,2	1,2	3,1
2016	255421,9	5,9	99 665,5	5,9	39,0	3263,0	7,8	1,3	3,3
2017	317476,4	4,4	116 901,5	6,0	36,8	4402,0	25,6	1,4	3,8
2018	426641,0	5,5	151 512,6	5,7	35,5	5416,5	10,5	1,3	3,6
2019	532712,5	6,0	192 929,1	6,7	36,2	7164,9	9,5	1,3	3,7
2020	605514,9	2,0	223 049,8	1,1	36,8	8539,4	1,0	1,4	3,8
2021	738425,2	7,4	272 109,1	9,5	36,8	12102,6	30,8	1,6	4,4
2022	888341,7	5,7	343 374,3	8,5	38,6	15395,7	15,3	1,7	4,5

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ЯИМ қиймати йилдан-йилга ўсиб борган. Бу ўсиш суръатлари 2010-2015 йилгача 7 % атрофида, 2021 йилда ҳам 7,4 % ўсиш суръатига эга бўлган. Айнан мана шу йиллар ЯИМ энг юқори ўсиш суръатларига эга бўлган. Энг паст ўсиш суръати 2020 йилга, яъни 2,0 % га тўғри келган. Бу йилда ЯИМнинг ўсиш суръатларининг кескин пасайишига асосий сабаблардан бири бутун жаҳондаги пандемия сабаб бўлган.

Жами хизматлар ҳам таҳлил қилинаётган даврда йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2022 йилда хизматлар ҳажми 2010 йилдагига нисбатан қарийб 11 баравар ўсган. Хизматлар ўсиш суръати бўйича таҳлил қиладиган бўлсак энг юқори ўсиш суръатлари 2011 йил 10 %, 2010 йил 9,6 %, 2021 йил 9,5 %, 2022 йил 8,5 % га ўсган. Хизматлар ҳажмида ҳам ўсиш суръати энг паст бўлган йил 2020 йилга тўғри келган, яъни 1,1 %. Бунга юқорида таъкидлаб ўтганимиздек пандемия сабаб бўлган.

Таълим хизматлари соҳаси 2010 йилдан 2022 йилгача ўсиш тенденциясига эга бўлган. Шу давр мобайнида таълим хизматлари мамлакатимизда 20 баравардан ортиқ ўсган. Унинг мамлакат ЯИМдаги улуши 1,0 %дан, 1,7 %гача, хизматлар соҳасидаги улуши эса 2,4 %дан, 4,5 %гача ошган. Демак, бундан кўриниб турибдики, хизматлар ҳажми шу давр мобайнида 11 баравар ўсган, таълим хизматлар эса 20 баравар ўсган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, жами хизматларга нисбатан таълим хизматлари қарийб 2 баравар ўсган.

* <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/national-accounts-2>

** <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/services-2>

Бу мамлакатимизда таълимга қаратилган эътибордан далолатдир. Булардан келиб чиқиб, таълим хизматлари энг тез ўсаётган соҳалардан бири эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Таълим соҳасидаги хизматлар суммаси ҳам 2010 йилдан 2022 йилгача фақат ўсиш тенденциясига эга бўлган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонида олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш назарда тутилган. Шу муносабат билан 2021 йилга келиб ОТМлар сони ҳам, талабалар сони ҳам кескин ошганлиги таълим хизматларининг улушининг ошишига асосий сабаблардан деб, ҳисоблаймиз.

Таълим соҳасидаги хизматларнинг ЯИМ даги улуши 2010 йилда 1,0 %ни ташкил этган бўлса, таъкидланганидек, 2022 йилга келиб 1,7 % ни ташкил этмоқда. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, таълим соҳасидаги хизматлар йилдан-йилга жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Келажакда ҳам энг самарали соҳалардан бирига айланиб боради.

Таълим соҳасидаги хизматларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари кундузги ёки сиртқи шаклда, шунингдек, Интернет тармоғи ва почта ёзишмалари орқали давлат томонидан бериладиган ёки хусусий турли даражадаги таълимни ва турли касбларга ўргатишни ўз ичига олади. Бунга турли даражадаги мунтазам мактаб тизими доирасида турли муассасалар томонидан бериладиган таълим, шунингдек, катталар учун таълим (тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари), таълимни қўллаб-қувватлаш фаолияти ва бошқалар қиради.

Таълим соҳасидаги хизматлар фаолиятини амалга оширишда кўрсатилган бозор хизматлари, жумладан, масофавий таълим хизматларини кўрсатиш қиймати (контракт асосида ўқитиш шакли) акс эттирилади.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 15 395,7 млрд. сўмга етди. 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 115,3 % ни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Мамлакатимизда таълим хизматларининг 2018-2022 йиллардаги ўсиш динамикаси¹

Йиллар	Таълим хизматлари ҳажми, трил. сўм	Ўсиш суръати, 2018 йилга нисбатан, %	Йиллик ўзгариш суръати, %
2018	5,5	100,0	110,5
2019	7,2	109,5	109,5
2020	8,5	154,5	101,0
2021	12,1	220,0	130,8
2022	15,4	280,0	115,3

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда таълим хизматларининг ҳажми ўсиш динамикасига эга. Таълим хизматларининг ҳажми 2018 йилда 5,5 трил. бўлган бўлса, 2022 йилга келиб эса 15,4 трил.га етган, яъни 2018 йилга нисбатан 2022 йилда таълим хизматлари 2,8 баравар ўсган. Ушбу таълим хизматларининг ҳажми ҳудудлар бўйича ўсиш динамикаси эга (3-жадвал).

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ҳудудлар кесимида ҳам таълим соҳасидаги хизматлар ҳажмининг ҳолати 2022 йилда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Тадқиқотлар давомида Ўзбекистон Республикасида Олий таълим хизматларининг ривожланишини ўрганиб чиқдик. Олий таълим хизматларининг ривожланиши республикамиздаги олий таълим муассасаларининг ривожланишига бевосита боғлиқ.

¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

3-жадвал

Худудлар кесимида таълим соҳасидаги хизматларнинг 2022 йилдаги ҳолати¹

Худудлар номи	Таълим хизматлар ҳажми, млрд. сўмда	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Респ.	15 395,7	100,0	115,3
Қорақалпоғистон Респ.	677,6	4,4	113,5
Андижон	919,9	6,0	133,6
Бухоро	839,6	5,5	108,6
Жиззах	424,7	2,8	116,2
Қашқадарё	631,9	4,1	118,3
Навоий	348,2	2,3	120,4
Наманган	774,5	5,0	126,7
Самарқанд	1 208,7	7,8	112,3
Сурхондарё	564,6	3,7	110,7
Сирдарё	216,3	1,4	101,5
Тошкент	710,1	4,6	127,5
Фарғона	1 192,5	7,7	117,7
Хоразм	526,7	3,4	129,7
Тошкент шаҳри	6 360,4	41,3	111,0

Таълим хизматларининг ривожланишига энг катта таъсир қилувчи омиллар қуйидагилардир: олий таълим муассасаларининг сони, ОТМларида таҳсил олаётган талабалар сони, ОТМларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар сони. Бу кўрсаткичлар мамлакатимизда кейинги йилларда фақат ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Мамлакатимизда сўнгги 4-5 йил ичида олий таълим хизматларига бўлган талаб сезиларли даражада ортиб бормокда. Буни республикаимизда фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичларидан ҳам кўриш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган олий таълим муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари¹

№	Кўрсаткичлар	2017/2018 ўқув йили	2018/2019 ўқув йили	2019/2020 ўқув йили	2020/2021 ўқув йили	2021/2022 ўқув йили
1.	Олий таълим муассасалари сони, бирлик	6	8	11	12	14
1.1.	Ўсиш суръати, %	100,0	133,3	183,3	200,0	233,3
2.	ОТМларида таҳсил олаётган талабалар сони, киши	29125	34930	41093	54827	70772
2.1.	Ўсиш суръати, %	100,0	120,0	141,1	188,2	243,0
3.	ОТМлари бакалавриатурасига қабул қилинган талабалар сони, киши	7492	9870	11819	17772	18356
3.1.	Ўсиш суръати, %	100,0	131,7	157,8	237,2	245,0
4.	ОТМлари магистратурасига қабул қилинганлар сони,	209	521	791	1143	1539

¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

¹ www.stat.uz

	киши					
4.1.	Ўсиш суръати, %	100,0	249,3	378,5	546,9	736,4
5.	ОТМларида битирувчилар сони, киши	6417	6869	6842	7165	8528
5.1.	Ўсиш суръати, %	100,0	107,0	106,6	111,6	132,9
6.	ОТМларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар сони, (ўқув йили бошида), киши	2977	3323	3241	3341	3849
6.1.	Ўсиш суръати, %	100,0	111,6	108,9	112,2	129,3

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда сўнгги ўн йил ичида олий таълим муассасалари сони 2,5 бараварга ошган. Сўнгги йилларда олийгоҳларимиз 2,5 баравар кўпайиб, 198 тага етди, қамров даражаси эса 9 фоиздан 38 фоизга ошди¹. Олий таълим муассасалари сонининг ошиши билан бирга хорижий олий таълим муассасалари сони ҳам ошган. 2000/2001 ўқув йилида хорижий олий таълим муассасалари мавжуд бўлмаган. 2021/2022 ўқув йили келиб эса 25 тага етган.

Олий таълим хизматларининг истеъмолчилари бўлган талабалар сони ҳам кескин ошиб бормоқда. Ўзбекистонда ОТМларида таҳсил олаётган талабалар сони сўнгги ўн йил ичида 4,4 баробарга ошган. Яъни, 2000/2001 ўқув йилида таҳсил олаётган талабалар сони 183,5 мингни ташкил қилган бўлса, 2021/2022 ўқув йилига келиб эса 808 мингдан ошган. Ўзбекистонда 2022/23 ўқув йили бошланган пайтда талабаларнинг умумий сони 1 040 400 нафарга етган².

ОТМларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар сони ҳам сўнгги ўн йилда 2,0 баробарга ошган. 2000/2001 ўқув йилида 18,4 мингни ташкил қилган бўлса, 2021/2022 ўқув йилига келиб 37,4 минг нафарни ташкил қилган. ОТМларига қабул қилинган талабалар сони 2000/2001 ўқув йилида 44,7 мингни ташкил қилган бўлса, 2021/2022 ўқув йилига келиб эса сал кам 236 мингга етган. Қабул қилинган талабалар сонининг бундай 5,3 бараварга ошиб бориши, авваламбор аҳолининг талаб даражасидан келиб чиқилган.

ОТМларини битирган мутахассислар сони охириги ўн йилда 3,3 баробарга ошиб, 2000/2001 ўқув йилидаги 31,6 минг нафардан, 2021/2022 ўқув йилига келиб 103,9 нафарга етган.

Хулоса ва таклифлар. Мақолада таълим хизматларининг ЯИМдаги улуши, хизматлардаги улуши, таълим хизматларининг ҳудудлар бўйича маълумотлар ҳамда ОТМга таъсир қилувчи омиллар тадқиқ қилиниб бир қанча хулосаларга келинди.

Биринчидан, мамлакат ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръати, жами хизматларнинг ҳажми ва ўсиш суръати, таълим соҳасидаги хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати, ҳамда таълим хизматларининг ЯИМдаги ва жами хизматларидаги улуши таҳлил қилинди ва таълим хизматлари энг тез ўсаётган соҳалардан бири эканлиги асослаб берилди.

Иккинчидан, таълим соҳасидаги хизматларнинг ҳудудлар кесимида ҳам 2022 йилдаги ҳолати таҳлил қилиниб, 2022 йилда ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги кўрсатиб берилди.

Учинчидан, мамлакатимизда таълим хизматларининг 2018-2022 йиллардаги ҳажми таҳлил қилиниб, таълим хизматларининг ҳажми ўсиш динамикасига эга бўлганлиги ёритиб берилди.

Тадқиқот давомида таълим хизматлари устувор вазифалар эканлиги асосланди. Бизнинг фикримизча ушбу соҳада самарадорликка эришиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

² <https://kun.uz/news/2023/02/14/ozbekistonda-talabalar-soni-1-milliondan-oshdi>

Биринчидан, олий таълимда кўрсатиладиган хизматлар сифатига катта аҳамият бериш лозим, сифат қанчалик юқори бўлса, таълимда самарадорликка эришилади. Бунинг натижасида мамлакатнинг ЯИМ ҳажми ошади, ундан хизматларнинг улуши ошади, шу билан биргаликда таълим хизматларининг ҳажми ҳам ошади;

Иккинчидан, муаллимнинг билимини, интеллектуал салоҳиятини ошириш учун унинг жамиятдаги мавқеини ўрнига қўйиш керак. Унга муносиб маош тўланиши билан бирга тизимли равишда интеллектуал солоҳиятининг қадрланишини таъминлайдиган механизм яратилиши лозим.

Учинчидан, юқоридагиларни амалга ошириш учун уларнинг билим даражаси интеллектуал салоҳиятини ҳам баҳолайдиган механизм яратилган бўлиши лозим. Бунда фақат ойликни ошириш билан чекланиб қолмасдан, ҳар бир эришилган натижаларни ҳам тақдирлашни қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Муаллимнинг берадиган билими инсон ҳаётига йўлланма, фаолиятига қўлланма даражасига кўтариш лозим бўлади.

Тўртинчидан, таълим олувчи талабаларимиз ҳам олган билимларига яраша муносиб тақдирланиши лозим. Энг иқтидорли талабалар давлат (шу жумладан, маҳаллий ҳокимиятлар, вазирликлар) эътиборида бўлиб, улардан жамиятимиз тараққиёти учун самарали фойдаланиш имкониятларини ишга солиш мақсадга мувофиқ. Чунки тараққиёт стратегиясида боғча тизимини мактаб таълими билан уйғунлаштириш орқали болаларни мактабга тайёрлаш сифатини янада яхшилаш масаласи қўйилган. Болага боғчадан бошлаб эътибор қаратилсаю, мактабларда муносиб ўқитилса, у олий таълимни битирганидан кейин ишни қаердан бошлашини билмай, қаерга “бош суқишини” билмай турса ҳам жамиятнинг ривожланиши учун инсон капитали кўзда тутилгандек асосий омил бўлмасдан қолиши мумкин.

Бешинчидан, мактабни аъло баҳоларга битирган ўқувчилар, маълум муваффақиятга эришган, турли танловларда ғолибликни қўлга киритган, ихтиролар қилган ўқувчилар олий таълим тизимига имтиҳонсиз, ҳеч қандай қаршиликсиз, бюджет асосида ўқишини таъминлайдиган меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилса ҳам мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бугунги кунда олий ўқув юртига киришга жуда катта имкониятлар яратилди. Аммо айрим иқтидорли болалар контракт асосида ўқиши учун имконияти чекланган бўлиши мумкин. Улар яшаш учун бошқа тадбиркорлик йўлларини танлаб илмий-тадқиқот соҳасидан узоқлашиб қолиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Лекин иқтидорлилар тадбиркорликдан кўра илмий соҳада фаолият кўрсатса жамиятга кўпроқ фойдаси тегиши мумкин.

Агар ушбу тавсияларимиз амалга ошса, жамиятимиз муқаррар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам тараққий этган бўлар эди. Чунки олам бу бепоеён борлик, уни англаш учун илмидан баҳраманд бўлишимиз керак. Олам илмини муаллим (устоз) ўргатади. Ўргатиш жараёни таълимдан иборатдир.

<p>Х.Очилова</p> <p>Анализ внутренних возможностей развития услуг высшего образования</p> <p>Аннотация: В целях развития и повышения качества образовательных услуг в нашей стране в статье анализируется доля образовательных услуг в валовом внутреннем продукте страны и сфере услуг, а также анализируются факторы, влияющие на развитие высших учебных заведений.</p> <p>Ключевые слова: образование, услуги, образовательные услуги, валовой внутренний продукт, развитие образовательных услуг, деятельность образовательных услуг, количество и качество.</p>	<p>H.Ochilova</p> <p>Analysis of internal opportunities for the development of higher education services</p> <p>Abstract: In order to develop and improve the quality of educational services in our country, the article analyzes the share of educational services in the country's gross domestic product and the services sector, and factors affecting the development of higher education institutions are analyzed.</p> <p>Keywords: education, services, educational services, gross domestic product, development of educational services, activities of educational services, quantity and quality.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023